

ФАРАНГЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛАЁТГАН ҚАДРИЯТ

Хунармандчилик — саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилгунига қадар инсоннинг яратувчанлик салоҳиятини юзага чиқарган, шу орқали рўзгор тебратиш имконини берган ва бутун дунёда кенг тарқалган меҳнат тури. Айрим мамлакатлар ва алоҳида ҳудудларда хунармандчилик ҳозир ҳам аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида ўрин тутиб, соҳа маҳсулотлари уста хунармандларнинг қўл меҳнати орқали санъат асари даражасига етказилмоқда. Шу боис мамлакатимизда ҳам хунармандчилик равнақиға туризм индустриясининг жозибадорлигини таъминловчи восита сифатида эътибор қаратилиб, хунармандлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

Хунармандчилик



Шу жиҳатдан Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори халқ хунармандчилиги ва амалий санъатининг аънавий турларини сақлаш ва қайта тиклаш, хунармандчилик маҳсулотларининг рақобатдошлиги ва сифатини ошириш, аҳолини ушбу соҳага кенг жалб этиш орқали бандлиқни таъминлаш, сайёҳлар учун жозибадор бўлган хунармандчилик объектларини ташкил этиш, маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, ёшларни меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида хунармандларнинг “Уста — шогирд” мактабларини такомиллаштириш йўлида кенг имкониятларни тақдим этди.

— Мазкур ҳужжатга қадар вилоятимизда бор-йўғи 406 нафар хунарманд расман фаолият юритган бўлса, бугун улар 11 минг 658 нафарга етди, — дейди Навоий вилояти “Хунарманд” уюшмаси раҳбари Жамшид Жумаев. — Бу 29 баробар ўсиш демакдир. Масалан, биргина 2021 йилда вилоятимизда 1 минг 176 нафар хунарманд рўйхатга олинди. Эътиборли жиҳати, уларнинг 754 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.

Вилоятда хунармандчиликнинг ҳудудий ихтисослашуви мавжуд. Мисол учун, Қизилтепада зардўзлик, Карма-нада дурадгорлик ва куллолик, Ҳозгонда сангтарошлик ҳунари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Муносабат

АФВ – ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбарининг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони имзоланди.

Бу мамлакатимизда олиб борилаётган бағрикенглик, инсонпарварлик, кечиримлилиқ каби халқимизга хос эзгу фазилатлар қўламини янада кенгайтирди. Фармон ижроси гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида кўплаб оилаларга қувончу шодлик, умид олиб кирди, десак, айни ҳақиқат.

2-саҳифага қаранг.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ҲАР БИР МАСАЛА ТАҲЛИЛИЙ АСОСДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Эртага Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Ялпи мажлис кун тартибидан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётида ҳуқуқий асос вазифасини ўташи кутилаётган бир қатор қонунлар ҳамда бошқа масалалар ўрин олган бўлиб, уларнинг ҳар бири парламент ўқори палатаси қўмиталарида таҳлилий асосда кўриб чиқилмоқда.

Ҳукуматга парламент сўрови юборилади

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, амалдаги Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 287-моддаси 2-бандига мувофиқ, чегара қўшинлари қонуний талабларига бўйсунмаслик, ҳарбий ҳизматчиларнинг давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик, қонуний талабларни бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида дэват этиш, шунингдек, чегара қўшинлари ҳарбий ҳизматчиларининг қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, чегара қўшинларига ҳуқуқбузарларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилган.

Бироқ чегара қўшинлари ҳарбий ҳизматчилари томонидан давлат чегарасини қўриқлаш ва химоя қилиш давомида Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 227¹ ва 227²-моддаларида назарда тутилган, яъни товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали божхона органлари томонидан белгиланган жойларни четлаб ўтиш божхона расмийлаштирувнинг белгиланган вақтидан ташқари пайтда олиб ўтиш билан боғлиқ содир этилган ҳуқуқбузарликлар божхона постларидан ўзқ ҳудудларда қайд қилинганлиги аниқланганда мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатларини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш талаб этилади-ган вазиятлар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси 2022 йил 3 февраль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида 3-4 февраль кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУЖЖАТЛАР ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ЕЧИМЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар жамиятимиз учун долзарб бўлган бир қанча қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Қизгин ва баҳсли кечган муҳокамаларда қонун лойиҳалари бўйича ўз фикрларини билдирди.

Шунингдек, мажлисда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Кўриқлаш фаолияти қонун доирасида

Ҳозирги пайтгача кўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилловчи амалдаги қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилмаган ва кўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари қонун ҳужжатларида белгиланмаган эди.

Объектни, мулкни ва шахсни кўриқлаётган ходимлар томонидан давлат мажбурият чораларини кўриш, қадрларни танлаш, тайёрлаш ва ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари қонун даражасидаги ҳужжат билан тартибга солинмагани бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди.

Фикр

МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

ЭНДИЛИКДА УШБУ МАСАЛАЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ДОИМИЙ НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ.

Янги Ўзбекистонда ислохотлар барча соҳани қамраб олган бўлиб, муттасил чуқурлашиб бормоқда. Бу давлат бошқарувининг қўйи ва юқори бўғинларига ҳам тааллуқли. Аҳоли депутатлар иштирокида ҳаётини муҳим қонунлар, Фармон ва қарорлар муҳокамасида қатнашмоқда. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиги ўсиб, ўз тумани, шаҳри, вилояти учун муҳим қарорлар қабул қилинишида таъсир кўрсатяпти. Вакиллик органлари — маҳаллий Кенгашларнинг ҳокимликлардан реал ажра-

тилиши бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Бу ишлар давом этмоқда.

Натижада бугун маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолиги ўз округидаги долзарб ижтимоий масалаларни кўтариш, сайловчилар дарадини тегишли идораларга етказиш баробарида, доимий комиссиялар ишида фаол иштироки, ўз тумани, шаҳри, вилояти миқёсидаги масалаларни дастлабки тарзда ўрганиб, зарур бўлса, сессияга олиб чиқиши мисолида ҳам яққол кузатилмоқда.

МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига эришиш масалалари юзасидан мулоҳазали тақлифлар ўртага ташланди.

Нуқтаи назар

Айниқса, маънавият масалалари яна бир марта ўртага ташландики, жамиятимизда маънавият ва моддий ҳаёт уйғун равишда олиб борилиши ва борилаётганлиги ўз тасдиғини топди. “Кимки маънавият масаласи — бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши деб ўйласа, хато қилади”, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Зеро, маънавият — жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пой-девордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунчалик кучли бўлади.

Стратегиянинг маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш йўналиши бўйича Президентимиз

бир қатор вазифаларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди. Хусусан, мавжуд 12 мингдан зиёд кутубхоналар имкониятларидан самарали фойдаланиб, китобхонлиқни оммалаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланидиган аҳоли сонини 33 фоизга етказиш, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш каби вазифаларни таъкидлаб ўтди. Бу вазифалар янги Ўзбекистонда маърифатли жамият қуришдек эзгу мақсадни амалга оширишнинг тағамини ҳисобланади.

Албатта, Президентимиз маънавият масаласига бежиз эътиборни қучайтираётгани ва жон қойиётгани йўқ. Аввало, жажонда глобаллашув жараёнлари қучайиб, янги таҳдид ва хатарлар

тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, жамиятдаги уюшмаган ёшлар билан мақсади, гоёвий-тарбиявий ҳамда мафкуравий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, радикал руҳдаги ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажримлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини қучайтириш ҳар доим-гидан ҳам муҳим вазифага айланиб бормоқда. Айниқса, миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши гоёвий-мафкуравий хавф ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Оқибатда, фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан аҳоли, айниқса, ёшлар онгига устомонлик билан сингдирилмоқда. Ачинарлиси шундаки, бундай гоёвий кураш натижасида айрим ёшларда азалий қадриятларга нисбатан беписандлик ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётир.

КЕЙИНГИ БЕШ ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА САВДО КОРХОНАЛАРИ Сони

2,5 БАРОБАР ОШДИ

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган савдо корхоналарининг сони 2017 йилнинг мос даври билан солиштирилганда **2,5 баробар** ошган.



Савдо корхоналари йиллар кесимида қаралганда қуйидагича тақсимланган:

- 2017 йилда — 61 735 та
- 2018 йилда — 63 199 та
- 2019 йилда — 70 902 та
- 2020 йилда — 101 081 та
- 2021 йилда — 132 192 та
- 2022 йилда — 157 129 та.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

ҲАР БИР МАСАЛА ТАҲЛИЛИЙ АСОСДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

➡ Шу боис Кодексга тегишли ўзгариш киритилиб, чегара қўшинларида бу моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларни, ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда бажарилганида эса транспорт воситаларини ушлаб туриш ваколати берилмоқда.

Тадбирда юртимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилишини юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Кўмита томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида газ баллонлари билан жиҳозланган транспорт воситалари портлаш билан боғлиқ салбий ҳолат ўзи беришига қатор омиллар сабаб бўлаётгани аниқлангани қайд этилди. Хусусан, автотранспорт воситаларига ноқонуний газ мосламаси ўрнатиш ва уларни вақтида техник қуриқдан ўтказмаслик ҳолатлари кўпайиб бораётир. Бу эса автотранспорт воситалари портлаши билан боғлиқ муҳим ҳодисаларни вужудга келтирмоқда.

Сенаторлар томонидан ушбу масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам таҳлил қилинди ва яқунда шу юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юборилдиган бўлди.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳолати қандай?

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлисида “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Таъкидлангандек, қонун билан бир қатор ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунда болани парварিশлаш таътилларида бўлиш вақтини ҳаммасини жалмаганда, кўпи билан 6 йиллик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, тадбирда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил қилинди.

Мажлисида Бош вазир ўринбосари Ш. Ганиевнинг қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, шу мақсадда ажратил-

ган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги ахбороти дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Президентнинг 2020 йил 10 июлдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йилда 515,2 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 197,5 минг гектар майдонда томчилатиб сўғориш жорий қилинган. Сувни тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш мақсадида ўтган йилнинг январь — сентябрь ойларида 754,4 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилган.

Муҳокамалар жараёнида қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш, янги узумзорларни барпо этиш учун бурғиланган қудуқлар қазих ва томчилатиб сўғориш технологияларини жорий этишга Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган субсидия маблағларидан, сув ресурслари ҳамда сувни тежайдиган технологиялардан самарали фойдаланиш тартиб-қоидалари бўйича бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган бўлса-да, айрим жойларда ерларни анъанавий усулда сўғориш, сувдан самарасиз фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилган. Бундай камчиликлар, асосан, Жизжақ, Фарғона ва Хоразм вилоятларида қайд этилган.

Давлат дастури доирасида Оролбўйи минтақасида бир қатор ишлар амалга оширилган

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси мажлисида дастлаб “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Ҳужжатда моддий маданий мерос объектларини нобуд қилганлик, бузганлик ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш, бундай тоифадаги объектларга жуда кўп микдорда зарар етказганликни ифодаловчи қилмишларни оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш, дастлабки терговни прокуратура органларига юклаш назарда тутилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги Давлат дастурининг ижроси бўйича ҳисоботи ҳам кўрилди.

Эътироф этилганидек, Давлат дастури доирасида Оролбўйи минтақаси, хусусан, Қорақалпоғистонни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш

борасида бир қатор ишлар бажарилган. Масалан, Нукус шаҳрида кўп квартиралли уйларда энергия тежамкор ва энергия йўқотишини камайтиришга қаратилган санация дастурини тажриба тариқасида амалга ошириш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Германия Иқтисодиёт ва энергетика федерал вазирлигининг Энергетика агентлиги ўртасида пилот лойиҳа ижросига киришиш тўғрисида келишувга эришилган.

Шунингдек, Нукус шаҳри атрофида 10 км. масофада “яшил белбоғ” яратилган. Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди маблағлари доирасида Тактақўир туманининг 5 та маҳалла фуқаролар йиғинида 3,5 минг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйилган. Нукус шаҳри, Беруний ва Кўнгрот туманларида перинатал марказлар модернизация қилинган.

Бундан ташқари, мажлисида сенаторлар ва экспертлар гуруҳи аъзоларига Президент Фармон ва қарорларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ижросини ўрганиш натижалари бўйича ахборот берилди.

Оқова сув тозалаш иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишда муаммолар юзага келмоқда

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси мажлисида Сенатнинг оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, оқова сув тизимларини яхшилаш бўйича халқаро молия институтлари кўмағида амалга оширилаётган 5 та лойиҳа доирасида 33 та объект лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, 226,4 млрд. сўмлик маблағ ўзлаштирилган. Айни чоғда зарарли оқова сувларнинг меъёридан ортиқ ташлинаниши ҳисобига олиш мақсадида swater.uzsuв.uz электрон базаси яратилиб, пилот меъёрида ишга туширилган. Сув таъминоти тизимидаги 17 та ташкилот-дано оқова сувлари ва компетенция тўловларини назорат қилиш бўлимлари ташкил этилган.

Шуларга қарамайдан, айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, оқова сув ташлаш қоидаларини бузган саноат корхоналарининг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳуқуқий



меъёрий ҳужжатларда белгиланмаган. Гулистон шаҳрида, Қуйи Чирчиқ ва Ургут туманларида оқова сув тозалаш иншоотлари ва насос станцияларини қуриш учун ер майдони ажратилмаган. Каттақўғорон шаҳри, Чуст ва Мингбулоқ туманларининг оқова сув тизимини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг қилинган-қилинмаслиги асослари ишлаб чиқилиб, ваколатли давлат органларининг ижобий экспертиза ҳулосалари олинган бўлса-да, лойиҳани тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича ханузгача Ҳукумат қарорлари қабул қилинмаган. Бундан ташқари, соҳани мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор қаратилмаган. Олий таълим муассасаларида соҳа бўйича етук мутахассислар ва малакали кадрлар тайёрлайдиган йўналишлар мавжуд эмас. Натижада соҳада қатор муаммолар юзага келмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари тўлови ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича етарли чора қўрилмаганилиги эса соҳанинг моддий-техника базасини яхшилаш ва жиҳозлар билан таъминлаш ишлари талаб даражасида бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Адлия вазирининг ахбороти эшитилди

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлисида “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, географик кўрсаткич, қоида тариқасида, ишлаб чиқариладиган товарни белгилаш учун номи қўллангандиган географик объектда жойлашган юридик ёки жисмоний шахслар талаботимасига биноан рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги, истисно тариқасида, бошқа манфаъдор шахслар бўлмаган тақдирда битта юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказишга доир талабнома бериш мумкинлиги белгиланмоқда.

Бу қонуннинг ҳаётга татбиқ этили-

ши ўзининг ноёб махсулоти учун белгини рўйхатдан ўтказишни хоҳловчи ишлаб чиқарувчилар кўпайишига, асосийси, минтақавий брендлар ривожланишига эришилади. Бу географик кўрсаткич билан ҳимоялангандиган қўшимча қийматга эга ишлаб чиқарувчилар махсулотининг маҳаллий ва хорижий бозорларга чиқишига имкон яратди.

Шунингдек, мажлисида адлия вазирининг 2021 йилда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Тадбирда 2021 йилда Адлия вазирлиги томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганилиги, бироқ давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ўз ечимини қутаётган муаммолар борлиги ва уларни бартараф этиш чораларини қуриш зарурлиги айтилди. Жумладан, ҳудудий давлат органларига услубий кўмак бериш орқали улар фаолияти самарадорлигига эришиш чораларини қуриш зарурлигига уруғ берилди.

Ўз навбатида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий, гендер-ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказишга Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳар бир экспертиза ҳулосасини вазирлик расмий веб-сайтига joyлаштириш мўҳумлиги қайд этилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида ютуқлар эътироф этилган ҳолда, қатор вазифалар белгиланган муддатда бажарилмаганилиги танқид қилинди.

Йиғилишларда қўрилган масалалар бўйича Сенат кўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

АФВ – ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Билдирилган юксак ишончни оқлайман

Алишер МЎМИНОВ
(Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, “Истиклол” МФЙ):

— 2016 йили ноқонуний диний оқим таъсирига тушганим учун суд ҳукми билан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим. Оиламдан ўзқода ўтган салкам 6 йил муддат мобайнида ҳаётим соғинч билан ўтди. Қуну тунни ақинларим, айникса, фарзандларимнинг дийдорини, кулгисини соғиниб ўтказдим.

Президентимизнинг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ кеча оилам бағрига қайтдим.

Биласизми, озодликдан

маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айириб, ота-оналарини ҳам айирлик доғига мубтало қилади. Ота-онам, турт нафар укам билан тонг отгунча суҳбатлашар эканман, ўтган йиллар давомида уларга, фарзандларимга қанчалик азоб берганимни ҳис этиб, юрак-юракдан эзилдим. Ахир оила тўлиқ бўлишидан, озодлик шукўҳидан ортиқ бахт борми, дунёда?!

Оиламиз азалдан қосибчилик билан шуғулланиб келадим. Ўзим ҳам ота қасбини давом эттириб, ўнлаб шоғирдлар тайёрлаганман. Укаларим, шоғирдларимни ёнимга олиб, яна қосибчиликни йўлга қўйиш ниятидаман. Албатта, билдирилган юксак ишончни оқлаб, ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қиламан.

Кўнгилларга шодлик, оилаларга ҳаловат улашди

Исматилло ЖЎРАЕВ
(Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, “Сарой” МФЙ):

— Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, ақинларининг ҳам келажиги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Жигарбандим Матлаб Фозилов бундан 8 йил аввал жиноят кўчасига кириб, 12 йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан у бугун муддатидан олдин озодликка чиқарилди. Бу биз учун катта соҳа бўлди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзанди доимо ёнида, бағрида бўлишини ёндади. Шундай экан, одадта жиноят содир этган шахсдан азия, унинг ақлилари кўпроқ азият чекса кел-

рак. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган, эндиликда қилмишларидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган кишиларга нисбатан кечиримли, меҳршафқатли бўлиш халқимизга хос фазилат.

Қарангки, бугун жиғибарандини бағримга босар эканман, саккиз йил аввалги кўнгилсизлиқни унутиб, қалбим қувони ва сурурга тўлди, барча қийинчилик ва гамларни унутдим. Шунинг ўзи улкан бахт, фаровон турмушимизнинг инъикоси эмасми?!

Умуман, Президентимизнинг афв этиш тўғрисидаги Фармони қанчадан-қанча кўнгилларга шодлик, оилаларга ҳаловат ва рўшониқ улашди. Бу бичнакам инсонпарварлик намунаси, юксак бағрикенглик ифодасидир.

Ҳалол меҳнат қилиб, юртимиз ривожига ҳисса қўшаман

Темур ТОҶИБОВЕВ
(Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани):

— 1974 йилда Пастдарғом туманида туғилганман. Соддалигим, гўрлигим сабаб ҳаётда адашдим. Динни нуқоб қилиб олган қимсаларнинг алдовига, уларнинг ёлгон ваъдаларига ойна, нотўғри йўлга кириб қолдим. Ана шу ҳатоим ортидан 23 йилга озодликдан маҳрум этилдим.

Мамлакатимиздаги инсонпарварликка йўғрилган адолатли сиёсат тўғайли мен каби ҳаётда адашган, биллиб-билмай жиноят содир этган бўлса-да, хатосини тушуниб, чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга нисбатан давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган афва қура муддатидан олдин жазодан озод этилиб, оилам бағрига қайтдим.

Рости, бугун қувончмининг чек-чегараси йўқ, Буни юртимизда инсон қадри улуғланаётганлигининг нақадар қадри эканлигини англатди. Бу дунёда ўз оиланг, ақинларинг бағрида, тинч ва фаровон жамиятга аяшадан улғурок неъмат йўқ экан. Янглиш йўлларга бошқа қирмайман. Шундай қуларга етганимга шукроналар айтаман.

Давлатимиз раҳбари берган имкониятдан фойдаланиб, ҳалол меҳнат қилиб, юртимиз ривожига ҳисса қўшиш мақсадидаман.

«Халқ сўзи».

ФАРАНГЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛАЁТГАН ҚАДРИЯТ

➡ Қадриятлар боқий Нуротада эса каштачилик миллий ҳўнармандчилигига эътибор, рағбат ҳар қачонгидан ошган айни замонамизда улкан маънавий мерос сифатида турли тадқиқотлар манбаига ҳам айланди.

— Ҳар бир каштачилик намунаси ўз даврининг қайфиятини ифодалайди, — дейди Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори Мусаллам Ибрагимова. — Бунда ҳар бир намуна алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, маълум бир йўналишлар, яъни турли нақшлар, новда, бағр, гуллар сингари унсурлар бу ерда халқнинг орзу-ҳаваси, турмуш тутумини ифода этган.

Нурота каштачилик мактаби хом ашёга дастлабки ишлов беришдан тортиб, тайёр маҳ-

сулотгача бўлган жараёнларни қамраб олиши билан ажралиб туради. Шунингдек, ушбу санъат мазкур туманда қадим-қадимдан аёлларнинг бандлигини таъминлашдек ижтимоий аҳамият ҳам касб этиб, унинг сиру сиоати буювдан набира қизга, қайнонадан келинга ўтиб келган. Бугун эса санъатсевар ёшлар аллақачон эстафетани қўлга олишиб, Нурота каштачилик мактабининг анъанавий йўналишларини Бухоро, Қашқадарё ва ҳатто Тожикистон каштачилик мактаблари композиция ва нақш унсурлари билан бойитишмоқда. Нуроталик чеварлар махсулотларининг Франция, Япония ва яна бир қатор мамлакатлардаги халқаро кўргазмаларда илиқ кутиб олинганининг боиси ҳам шундадир балки.

— Нурота каштачилиги бу ернинг гўзал табияти, маҳаллий аҳоли қайфиятини ифода этишини кўрдим, — дейди франциялик сайёх Паскаль Мактинелли. — Тўғри, тақоррорл кўп. Бироқ бунда аҳолининг маросимларга, ўз ҳаётининг унутилмас даврига эътиборини назарда тутсак, бу камчилик ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Санъат ва маросимлар қадим боғлиқлиги мана шу заминда сақланиб қолганлиги дунёда камдан-кам учрайдиган воқеалар. Албатта, бу жуда катта тадқиқот манбаи. Чўқурроқ тадқиқ этилса, Нурота каштачилиги санъат тарихи билан боғлиқ жуда катта қашфиётларга манба бўлади.

Нуротада каштачилик бугун тадбиркорлигининг бир тури бўлиб, туман марказида минг нафардан зиёд қиз-жувонлар у билан машғул. Чекка

қишлоқ қизларини мазкур санъат сирларидан воқиф этиш, шу орқали ижтимоий бандлигини таъминлаш мақсадида ўқув курслари ҳам ташкил этилган. Уларда қиз-жувонлар Нурота каштачилиги билан бирга, харидоригр Бухоро тақдўзчилигини ҳам ўрганиб, кун сайин хорижий сайёҳлар ташрифи ортиб бораётган Чашма мажмуаси кўргазмаларида ўз махсулотларини тақдим этмоқда.

Навоий вилоятида жорий йилда миллий ҳўнармандчиликни ривожлантириш учун 39 миллиард 760 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилиб, яна мингта лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

● электротехника саноатида юқори қийматли махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 ва экспортини 3 баравар ошириш;

● меёбел махсулотлари ҳажмини 2,8 ҳамда экспортини 3 баравар кўпайтириш;

● озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш;

● йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперацияни ривожлантириш;

● саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш.

СТРАТЕГИЯДА МАМАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ МАҚСАДЛАРИ АНИҚ КЎРСАТИЛГАН

Маълумки, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, унда барча соҳага алоқадор вазифалар тўла қамраб олинган. Биз ундаги учинчи, яъни Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш йўналишидаги айрим мақсадлар хусусида кенгрок тўхталамиз. Негаки, чуқур таҳлил орқали қутилаётган натижалар тўғрисида янада ёрқин тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мушоҳада

Масалан, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш мақсадини олиб кўрайлик.

Бунга эришиш учун қатор вазифаларни муваффақиятли бажариш талаб этилади. Аввало, макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва йиллик инфляцияни даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш ҳамда Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ЯИМга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш керак бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизи “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг тақдирлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлангани.

Қишлоқ ҳўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказиш ҳамда даромаднинг камида 2 бараварга ошмиш чоралари қўрилади. Туманлар аниқ махсулот турини етиштиришга иxtисослаштирилиб, қишлоқ ҳўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва сугурталашнинг янги механизми йўлга қўйилади.

Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар ер ўзлаштирилади ва кластерларга очик танлов асосида ажратилади. Қолаверса, 200 минг гектар пахта ва гағла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига очик танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилади.

Экспорт махсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 марта ва иссиқхоналарни 2 марта кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард долларга ошириш ҳам кўзда тутилаётир.

Илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, агросаноат корхоналарини

хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш, агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораторияларни кўпайтириш, уруғчилик ва қўчат етиштириш бўйича миллий дастури амалга ошириш каби вазифалар ҳам бажарилади.

Нуфузли халқаро илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан биргаликда Халқаро қишлоқ ҳўжалиги университетини ташкил этилиб, аграр соҳада илм-фан ва амалиёт интеграцияси чуқурлаштирилади.

Мазкур йўналишдаги кейинги мақсад сифатида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган сый-ҳаракатларни давом эттириб, саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга кўпайтириш вазифаси илгари сурилган. Қўриниб турибдики, бу борадаги вазифалар салмоқли. Унга эришиш учун саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлаш ишлари изчиллик билан давом эттирилади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳар бир сўзимиз, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз жамиятга, одамлар қалбига қандай таъсир кўрсатишига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор беришимиз зарур”.

Энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини эркинлаштириб, соҳага ҳуқусий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда эхтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини қиритиш навбатдаги устувор вазифалардан

ҳисобланади. Айни чоғда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ махсулотлари узулксиз етказилишини таъминлаш ҳамда мис ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш орқали юқори қийматли 8 миллиард долларлик тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш ва улар ҳажмини 2 мартага кўпайтириш ҳам кўзда тутилганки,

ХУЖЖАТЛАР ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ЕЧИМЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШИ КЕРАК



Кўриқлаш фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосларини ўз ичига олган “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасида кўриқлаш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиш, кўриқлаш фаолияти турлари, уни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган.

Муҳокамада фаол иштирок этган депутатларнинг фикрига кўра, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши кўриқлаш фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишнинг қонуний асосларини яратди. Кўриқлаш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва субъектларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланади, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий дахлсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий механизм шакллантирилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

Ер участкаси олинса, компенсация тўланадими?

Депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилган “Ер участкаларини компенсация эвазига жомат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган ер участкаси ёки унинг бир қисми жа-

моат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда, ушбу ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектлари эгаларига компенсация бериш тартиб-таомилларини белгилаш назарда тутилган.

Депутатлар муҳокама чоғида қонунчиликда ер участкалари давлат эҳтиёжи учун эмас, балки жомат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкинлигига эътибор қаратди. Бунда ер участкаларининг компенсация эвазига жомат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига асос бўладиган ҳолатларнинг рўйхати, ҳуқуқ эгасининг объектни бўшатиб беришдан то объектни бузишгача бўлган жараёнларнинг аниқ муддати ва тартиби белгиланади.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ йиғилишларида депутатлар ва мутахассислардан келиб тушган тақлифлар асосида лойиҳага қатор тузатишлар киритилди. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари томонидан илгари сурилган тақлифлар ишчи гуруҳ йиғилишида ўрганиб чиқилди ва қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Ушбу ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши жомат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғрисида-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солинишига, низоли вазиятларнинг олдини олиш ва ушбу соҳадаги низоларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Назорат инспекциясининг ваколатлари кенгайди

Ҳозирги пайтда амалда қўлланиб келинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўп ҳонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига аниқланган қонуний қўрилмаларни фақат мажбурий кўрсатма бериш ёки судлар орқали бартараф этиш ҳуқуқи берилган. Бироқ ўзбошимчилик билан барпо этилган қонуний қўрилмаларни мажбурий тартибда бартараф этишга оид судларга аризалар тақдим қилишда олдиндан давлат божни тўловидан озод этилмалари ушбу мазмундаги материалларни судларга тақдим этишда бирмунча қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

“Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида белгиланган нормалар коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, кўп квартиралли уйларни сақлаш ва ундан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга кўмаклашишда инспекция иштирокини янада кенгайтириш йўли билан кўп квартиралли уйлардаги муҳандислик-техник коммунал хизматлар ва уйнинг конструктив қисмлари таянч қобилиятини, зилзилабардорлигини сақлаб қолиш ҳамда кўчмас мулк эгаларининг ҳавфсиз яшашига шароит яратиб беради.

Амалдаги қонунчиликда уй-жой мулкдорлари ширкатлари юқорида қайд этилган хизматлар учун тегишли солиқ тўловларидан озод қилинган бўлиб, бошқарув ташкилотлари фаолиятига нисбатан ушбу имтиёзлар татбиқ этилмаётганлиги турли келишмовчиликларни юзага келтирмоқда. Айни пайтда кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизими такомиллаштириётганлиги муносабати билан ушбу солиқ имтиёзларини бошқарув ташкилотлари фаолияти-

га ҳам татбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бошқарув органларининг молиявий барқарорлиги таъминланишига, кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимида рақобат муҳити яратилишига ҳамда аҳолига самарали хизматлар кўрсатишнинг янги босқичларини амалиётга татбиқ этиш орқали бугунги кунда уй-жой фондларини сақлаш борасида кўчмас мулк эгалари томонидан билдирилаётган кўплаб эътирозларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Лойиҳа концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Кўмита ҳисоботи қониқарлими?

Мажлисида Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Ҳисобот даврида кўмита қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида 6 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Кўмита аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида асосий эътибор жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал қилишга, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари зиммасидаги муҳим масалаларнинг ўз вақтида ижро этилиши ҳолатини ўрганишга қаратилди. Бу борада масъуллар ахбороти кўмита йиғилишларида эшитиб борилди.

Кўмита томонидан 13 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, уларнинг 7 таси қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга, 8 таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга тааллуқли.

Кўмита ташаббуси билан бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “Фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган

чоралар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилди.

Натижада меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва сугурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратилган ҳолда, хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқий ҳимоясини тўлақонли таъминлаш учун онлайн платформа ва “кол-марказ” ташкил этилиб, малакали адвокатлар хизмати йўлга қўйилди.


Меҳнат мигрантларининг иш ҳақи ва компенсациялар берилмаётгани бўйича муносабатлари асосида хориждаги ваколатли органлар билан ҳамкорликда хорижий иш берувчилардан меҳнат мигрантлари ҳисобига 711,7 минг АҚШ доллар миқдоридан иш ҳақи, компенсациялар ундирилди. Оғир вазиятга тушган 281 нафар фуқаро Ватанга қайтарилди.

Шунинг баробарида, меҳнат мигрантларига кўп квартиралли уйлардан ҳонадонлар ажратилиш, 2 миллион сўмгача микроқарз бериш, улар ҳаёти ва соғлиғини сугўрталаш бўйича сугурта муқофоти суммасини қоплаш учун субсидия тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди. Чет давлатларда мураккаб молиявий аҳволга тушган фуқароларга тўланадиган бир марталик моддий ёрдам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан икки баробаригача кўпайтирилди.

Ҳисобот даврида кўмита фаолиятида фуқаролар муносабатларини ўз вақтида ва тўлиқ ўрганиш, улар юзасидан қонуний чоралар кўришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жойлардаги долзарб муаммоларни ўз вақтида, самарали ҳал этиш, фуқароларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларини номига жами 67 та депутат сўрови юборилди.

Мажлисида Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг йил якунларига бағишланган ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



Таассуф

МИХ ВА ТЕМИР ҚОҚИЛГАН ДАРАХТЛАР...

БУ УЛАРГА ЗУҒУМ ЭМАСМИ?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, даракнинг барг ва шоҳлари ёзнинг жазирасида қуёшдан тушаётган иссиқлик ҳароратининг, нари борса, 30 фоизини ўтказадди. Бинобарин, иссиқ иқлим-ли юртимиз, хусусан, тўрт

тили билан айтганда, “Чевар” деб аталадиган бино олдида, Ҳофиз Таниш Бухорий, Пиридастгир кўча-ларида ана шундай ачинар-ли манзаралар гувоҳи бўлди.

— Мих урилган, темир су-



қилган дарак-ларни кўриб, пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бош-кага, дегинг кел-лади. Ахир бу-ларнинг ҳам жони бор, тирик мавжудот-ку, — дейди бухорилик фотожурналист Т о ҳ и р ж о н Истов. — Та-биатни асраб-

авайлаш, ҳар бир даракх-ни меҳр бериб парвариш-лаш йўли эҳтиёжга айлан-иш кераклигини айрим фуқаро-ларимиз англаб етмаётгани-дан афсусланасан, киши.

Бу нохуш манзарани кўриб-қўрмасликка олаётган маҳалла фаоллари, шаҳар ҳокимлиги, табиатни муҳо-фаза қилишга масъул идо-ралар вакиллари биз куй-да ҳавола этаётган сурат-ларга тузуқроқ разм со-лишни истар эким. Зеро, да-рахтларнинг ягона “айби” — уларнинг тил-забони йўқлиги.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Бандлик

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги “Қизилсой” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “SHABNAM ELEGANT” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган янги лойиҳа шарофати билан 300 нафар хотин-қиз ишли бўлди.



Янги лойиҳа туфайли 300 нафар хотин-қиз ишли бўлди

Умумий қиймати 7 миллиард 500 миллион сўм миқдоридagi инвестиция маблағлари ҳисобига қўрилган ушбу тивувчилик корхонаси замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳларига эга. Бу ерда меҳнат фаолиятини бошлаган аёллар бичиш, тикиш ва дизайнлик бўйича олган билим ва кўникмаларини амалда татбиқ этишга киришди.

— Бундай лойиҳаларни яна давом эттириш ниятидамиз, — дейди “SHABNAM ELEGANT” МЧЖ раҳбари Сурайё Телакова. — Аҳоли бандлигини таъминлаш доирасида амалга ошираётган ишларимиздан бош мақсад “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”да қайд этилган ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қасбга ўқитиб, доимий иш билан таъминлашдан иборат. Қолаверса, йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтириб, экспорт босқучларини таъйёрлаб, туман иқтисодиётини барқарорлаштиришга муносиб ҳисса қўиш ниятидамиз.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

Имконият



ҒАЛЛАОРОЛДА ЯНГИ АРХИВ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Ғаллаорол туманида йиллар давомида таъмирланмаган, деярли вайрона ҳолга келиб қолган давлат архив биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур бионинг қурилиш ишларига эса 3 миллиард 530 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Йиллар давомида бинодаги қийинчиликларга қарамадан 527 та фонддан иборат 83 минг 119 та сақлов бирлигидagi ҳужжатларни асраб-авайлаб кел-дик, — дейди Ғаллаорол туман давлат архиви раҳбари Нурқосим Яхёев. — Президентимизнинг “2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси-нинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси-ни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан архивимиз Давлат дастурига

киритилди ва халқаро андозаларга мос қилиб қурилди. Барча қўлайликка эга архив биноси замонавий жиҳозланган бўлиб, ходимлар ва таширф буюрувчилар компьютер ва интернетдан фойда-ланиб, маълумотларни ўқиш, соҳа олиши, скай-нер қилиши ва керакли жойларга юбориш имко-ниятлари мавжуд.

Толибжон ЭРҒАШЕВ («Халқ сўзи»).

МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

ЭНДИЛИКДА УШБУ МАСАЛАЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ДОИМИЙ НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ.



Бу ҳолат таълим масалаларига ҳам бево-си-та тааллуқли. Зеро, барча замонда жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизими-нинг қай даражада ривожлангани билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваф-фақияти эса кўп жиҳатдан янги-ча тафаккурга эга кадрларга боғлиқ. Ўз навбатида, ўқув муассасалари-да сифатли таълим имкониятлари-ни яратиш инновацияларга асо-сланган узлуксиз таълимнинг сама-ралли механизмини такомиллашти-риб боришни талаб этади.

Янги Ўзбекистонда ўқитувчи шахсига, унинг жамиятга тутган ўрни ва маъкеига эътибор, сифатли билим бериш ва соҳа хо-димлари учун муносиб турмуш шароити яратиш давлат сиёсати-нинг устувор мақсадларидан би-ри ўлароқ тан олинди. Тараққиёт стра-тегиясида ҳам бу масалаларга етарлича ўрин ажратилган. Яқин-да Президент раислигида ўтка-зилган видеоселекторда страте-гияда таълим бўйича белгилан-ган мақсадлар ўз вақтида бажа-рилишининг амалий-ташқилий жи-ҳатлари, мавжуд муаммолар ечи-ми муҳокама этилиб, аниқ вази-фалар белгиланди. Таълим-тарбия муаммолари, мактаблар-да ўқитиш сифати, шарт-шарои-ти, ўқитувчилар, директорларнинг ўз вазифасига лойиқлиги, ўқитиш-нинг замонавий талабларига жа-воб бериши ҳам эндиликда ма-ҳаллий Кенгашлар депутатлари шўғулланадиган долзарб вазифа-га айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъ-кидлаганидек: “Юртимизда Учин-чи Ренессанс пайдоверини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва

яна бир бор тарбия керак. Бугун-чи ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва му-раббийлар, профессор-ўқитувчи-лар, ҳақиқий зиёлилар керак.”

Тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривож-лантириш” деб номланган тўртин-чи йўналишида ҳам ушбу масала-га алоҳида урғу берилган. Ўш-ни Мактабларни ривожлантириш мил-ли дасурини қаторий эйтиш орқали халқ таълимин тизимида беш йил-да 1,2 миллион янги ўқувчи ўрни яратиш, 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта қуриб чиқиб, амалиётга хо-рий эйтиш, ўқитувчилар ойлйк мао-шини босқимча-босқим минг дол-ларга етказиш, мактабларда таъ-лим сифатини ошириш, педагог-кадрлар билим ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Таълим шароитини яхшилаш умуммиллий ҳаракатга айланмоқ-да. Шу боис халқ депутатлари Қашқадарь вилояти Кенгаши, унинг тегишли доимий комиссия-лари бу йўналишда ҳам мунта-зам иш олиб бормоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Президент фармонлари ижроси устидан де-путатлик назорати йўлга қўйилди. Парламент вакиллари бу борада бизга амалий ёрдам кўрсатаётир.

Бугунги кунда вилоятимизда 1 минг 234 та таълим муассаса-си бўлиб, шундан 1 минг 204 та умумий ўрта таълим мактаби, 16 та “Барқомол авлод” мактаби, 12 та ихтисослаштирилган мак-таб-интернат, 49 та ихтисос-лаштирилган мактаб, 3 та махсус мактаб-интернат, битта махсус ёрдамчи мактаб, 2 та санаторий

типидаги мактаб-интернат ва бит-та малака ошириш ҳудудий мар-казидир. Вилоятда 308 та мактаб олис ҳудудда жойлашган ва таъ-лим сифати паст мактаблар рўйхати-га киритилган. “Янги Ўзбе-кистон устозлари” лойиҳаси асо-сида уларга 674 нафар олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар жалб этилди.

2021/2022 ўқув йилида 8 та ма-тематика фанига, 5 та кимё-био-логия фанларига, 1 та физика фа-нига, 7 та информатика ва ахбо-рот технологиялари фанига, 15 та чет тили фанига ихтисослашти-рилган мактаблар ташкил этил-ди. Вилоятда бундай ўқув мас-канлари сони 33 тага кўпайтирил-ди. Улар орасидан, Тараққиёт стра-тегиясига кўра, қаторий ўқув йили-нинг III чорагидан 15 таси Президент таълим муассасалари агентлигига қирувчи мактаблар тоифасига ўтказилмоқда. Ҳозир танланган мактабларда ташқилий ишлар олиб борилаётир.

Юқори малакали олий маъ-лумотли ўқитувчилар нисбатини кўпайтириш учун Қарши давлат университети ва Шаҳрисабз пе-дагогика институтида сиртки бўлимлар фаолияти йўлга қўйил-ган. Бундан ташқари, ўқитувчилар малакасини ошириш тизими ин-новациявий услублар ва IT-тех-нологиялар асосида тубдан қайта ташкил этилмоқда.

Албатта, шу каби ижобий иш-лар қаторида муайян камчилик-лар ҳам кузатишмоқда. Баъзи мак-табларда таълим сифати паст, на-тижада ўзлаштириш кўрсакичи-бошқа мактаблар билан таққос-лаганда икки баробар кам. Ушбу ҳолат ўрганилганда, мазкур мак-табларда ихтимоий-аҳолий му-ҳит яхши эмаслиги маълум бўлди.

Ҳозирги пайтда юртимизда

Халқаро меҳнат ташкилотини конвен-цияларини ҳаётга татбиқ этишга доир миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинган бўлиб, унинг до-ирасида салмоқли ишлар олиб бо-рилмоқда. Қўрилган чора-тадбир-лар мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш, унинг олдини олиш ва йўл қўймаслик учун зарур нор-матив-ҳуқуқий базани шаклланти-риш имконини берди. Бу ҳолат жа-ҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Шу саъй-ҳаракатлар туфайли мажбурий меҳнатга чек қўйилган бўлса-да, меҳнатни адолатли таш-кил қилиш борасида баъзи камчи-ликлар, афсуски, ҳали-ҳамон ку-зилмоқда. Депутатларимиз ва ишчи гуруҳимиз вилоятдаги қатор мак-табларда мансабдор шахсларнинг хизмат маъкеини суниётсизмол қилиши, дарс соатлари сеткасини тоифасига ўтказилмоқда. Ҳозир танланган мактабларда ташқилий ишлар олиб борилаётир.

Баъзи таълим муассасалари-даги меҳнат қонунчилигининг бу-зилиши, гуруҳбозлик, коррупцион ҳолатлар, таниш-билишчилик, но-соғлом ихтимоий муҳит 2021 йил ноябрь ойида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида му-ҳокама қилиниб, телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали оммага етказилди. Бундан бунён бу каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида вилоят Кен-гаши доимий комиссияси томо-нидан умумтаълим мактабларида-ги аҳвол ўрганилмоқда. Масалан, халқ депутатлари Қашқадарь ви-



лоятда ҳамда Қарши шаҳар Кен-гашлари депутатлари, халқ таъ-лими бошқармалари масъул хо-кимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, мактаблардаги аҳвол ўрганилди. Очигини айтганда, кам-чиликлар талайгина. Аноним ўтка-зилган ихтимоий сўровномада ҳам бу ўз ифодасини топган.

Ҳозир ҳам мактаб директорла-ри фаолияти устидан кўплаб ши-коятлар тушмоқда. Дарс соатла-рининг тақсимидаги, кадрлар етарли бўлса-да, ўз танишини ишга мала-кетлиги белгилла берилган бўлса-да, унга амал қилмаслик, шунингдек, ходимларга нисбатан кўпол сўзларни ишлатиш ҳолатла-ри ўраб туришини аниқлади. Баъзи таълим муассасалари-даги меҳнат қонунчилигининг бу-зилиши, гуруҳбозлик, коррупцион ҳолатлар, таниш-билишчилик, но-соғлом ихтимоий муҳит 2021 йил ноябрь ойида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида му-ҳокама қилиниб, телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали оммага етказилди. Бундан бунён бу каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида вилоят Кен-гаши доимий комиссияси томо-нидан умумтаълим мактабларида-ги аҳвол ўрганилмоқда. Масалан, халқ депутатлари Қашқадарь ви-

Бугун таълим тизими ўтмиш-дан мерос қолган бирхилликдан чиқиб, ранг-баранглик касб эт-моқда. Хусусий мактаблар, ижод мактаблари, “Темурбеклар мак-таблари”, турли хил ихтисос-лаштирилган мактаблар ва улар-нинг юксак кўриниши — Президент мактаблари пайдо бўлди.

Вилоятда ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи 2022-2023 йил-ларда янада кенгайтирилди. Жум-ладан, 2022 йилда кимё ва био-логия йўналишида 4 та, математика йўналишида 4 та, информатика йўналишида 5 та, физика йўнали-шида битта таянч мактаб ҳамда физикадан чуқурлаштириб ўқути-ладиган 4 та синф ташкил этилади. 2023 йилда эса кимё ва биология йўналишида 2 та, математика ва информатика йўналишида 3 та-дан, физикадан чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлари бор 4 та мактаб фаолияти йўлга қўйилди.

Умуман, ёш авлодга таълим бериш жараёнини самарали йўлга қўйиш, таълим мазмунини интеграциялашнинг шарт-шароити, айниқса, услубиятини яратиш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади. Шундай экан, эртанги кунимиз эгалари бўлган фарзандларимизни ҳар томонла-ма етук инсонлар қилиб тарбия-лаш нафақат соҳа ходимлари, балки биз, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам энг бир-ламчи вазифамиздир. Мактаб-ларда таълим замон талаблари-га жавоб бериши масаласи эн-диликда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг доимий назора-тида бўлади.

Юлдуз ЭРҒАШЕВА, халқ депутатлари Қашқадарь вилояти Кенгаши депутати, тарих фанлари доктори, профессор.

